



## INTERNATIONAL EXPERIENCE IN ENSURING THE RIGHTS AND FREEDOMS OF A PERSON IN CRIMINAL PROCEEDINGS

**Saidov Bahrom Anvarovich**

Head of the Magistracy of the Academy of the Ministry of  
Internal Affairs, Doctor of Science in Law, Professor's  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12577713>

### ARTICLE INFO

Received: 22<sup>th</sup> June 2024

Accepted: 27<sup>th</sup> June 2024

Online: 28<sup>th</sup> June 2024

### KEYWORDS

Constitution, concept, law,  
international law, foreign  
experience, lawyer,  
defender, human rights,  
freedoms, justice, guarantee,  
protection, criminal  
procedure, responsibility,  
punishment, court,  
investigation, reform,  
justice, human,  
humanitarian, suspect,  
accused, victim, investigator,  
investigator, prosecutor.

### ABSTRACT

*In the new Uzbekistan, special attention is paid to such important tasks as improving and liberalizing criminal and criminal procedural legislation, increasing the efficiency and quality of justice, strengthening the procedural foundations of criminal proceedings, ensuring guarantees for reliable protection of the rights and freedoms of citizens in the activities of judicial and investigative bodies. The article puts forward a number of proposals and recommendations aimed at studying the international experience in ensuring the rights and freedoms of the individual in criminal-procedural relations, observing the principles of humanism in establishing the criminal responsibility of criminal law institutions recognized in international law and foreign practice, including a person.*

## ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МУНОСАБАТЛАРДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

**Саидов Баҳром Анварович**

ИИВ Академияси Магистратураси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12577713>

### ARTICLE INFO

Received: 22<sup>th</sup> June 2024

Accepted: 27<sup>th</sup> June 2024

Online: 28<sup>th</sup> June 2024

### KEYWORDS

Konstitutsiya, kontseptsiya,  
huquq, xalqaro huquq,  
xorijiy tajriba, advokat,  
himoyachi, inson huquqlari,  
erkinliklari, adolat, kafolat,  
himoya, jinoyat protsessi,  
javobgarlik, jazo, sud,

### ABSTRACT

*Янги Ўзбекистонда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиқни такомиллаштириш ҳамда либераллаштириш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиғи ва сифатини ошириш, жиноят ишлари юритувининг процессуал асосларини кучайтириш, суд-тергов органлари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш каби муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақолада жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини*



*tergov, islohot, adolat, inson, gumanitar, gumon, ayblanuvchi, jabrlanuvchi, tergovchi, tergovchi, prokuror.*

*таъминлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш, халқаро ҳуқуқ ва хорижий амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг, жумладан шахснинг жиноий жавобгарлигини белгилашда инсонпарварлик тамойилларига риоя қилишга қаратилган қатор таклиф-тавсиялар илгари сурилган.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон Қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида, халқаро ҳуқуқ ва хорижий амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада, жумладан шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш соҳасида имплементация қилинмаганлиги қайд этилган.

Шу боис, жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланган хорижий давлатларда бу борада суднинг мавқеи юқори бўлиб, ишни судга қадар юритишда суриштирув ва дастлабки тергов устидан суд назорати кучайтирилгани, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳаси кенг татбиқ этилганини кузатиш мумкин.

«Habeas corpus ad subjiciendum» – «Сен шахсни судга олиб келишга мажбурсан», деган маънони англатиб, бу тартибот XV асрдаёқ пайдо бўлган ва илк бор Англия парламенти томонидан 1679 йилдан бошлаб амалиётга татбиқ этилган. Ушбу ҳужжатга 1689, 1766 ҳамда 1816 йилларда қўшимчалар киритилиб янада такомиллаштирилган. Ҳозирги кунда у, энг аввало, англо-саксон ҳуқуқ тизими мамлакатларида, шунингдек, Лотин Америкаси давлатларида инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг энг ишончли кафолати сифатида такомиллашиб бормоқда.

Аксарият ривожланган давлатлар жиноят процессида умуминсоний қадриятларга амал қилинишига катта эътибор қаратилган. Масалан, Францияда ноқонуний ушлаб туришга қарши жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилган. АҚШда ўтказилган икки босқичли ислоҳотлар доирасида камбағаллар ҳуқуқи такомиллаштирилиб, унга кўра моддий жиҳатдан ночор айбланувчилар адвокат хизматидан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлган.

Кўплаб мамлакатларда тергов ишлари устидан суд назорати дастлабки тергов принципларидан бири ҳисобланади. АҚШ Конституциясига киритилган IV-ўзгартишга кўра, суд қасам ёки тантанали ваъда билан тасдиқланган етарли асосларсиз қамоққа олишга ордер бермайди.<sup>1</sup> АҚШда процессуал-мажбурлов чоралари шахснинг

<sup>1</sup> Пешков М. А. Арест и обыск в уголовном процессе США. – Москва: Спарк, 1998. – Б. 84.



конституцион ҳуқуқларини жиддий чеклаши боис унга фақатгина суднинг рухсати билан йўл қўйилади.<sup>2</sup>

Буюк Британияда эҳтиёт чораси сифатида шахс ҳибсга олингач, асрлардан буён амалдаги habeas corpus act қоидаларига биноан у дарҳол судья ҳузурига келтирилади<sup>3</sup>.

Германия жиноят-процессуал қонунчилигида тергов устидан суд назоратига,<sup>4</sup> ишларни тезкор, соддалаштирилган тартибда юритишга, тортишув принципининг амал қилишига ва шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазаси масалаларига алоҳида эътибор берилади.

Франция қонунчилигига кўра процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколати судлар қошидаги махсус тергов палатасига берилган.

Японияда тергов ва суриштирув устидан назоратни прокурорлар амалга оширади.<sup>5</sup> Иш бўйича гумон қилинувчи шахс ушланса, у 48 соат ичида прокурор ҳузурига олиб келиниб, унга нисбатан қўлланиладиган процессуал мажбурлов чораси масаласи ҳал этилади. Тамомланган барча ишлар терговни амалга оширган полиция органи томонидан прокурорга жўнатилади, майда ишларни эса полициянинг ўзи мустақил равишда ҳал этади. Тинтув ва олиб қўйиш каби ҳаракатлар адлия ходимлари томонидан суднинг алоҳида буйруғи асосида амалга оширилади<sup>6</sup>.

АҚШ, Франция ва Германияда айнан судьянинг қарори билан шартли равишда вақтинчалик лавозимидан четлаштиришга йўл қўйилиши белгиланган. Ушбу давлатларда, лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори асосида эмас, балки айнан судьянинг санкцияси асосида амалга оширилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш мажбурлов чораси шахс эркинликларига дахл қилаётганлиги учун, мазкур чора ҳам суднинг санкцияси билан қўлланилади.

Франция жиноят-процессуал қонунчилигининг суриштирув ва жинойий таъқибни қўзғатишга бағишланган қисмларида гумон қилинувчининг процессуал мақоми тартибга солинмаган, ҳатто «гумон қилинувчи» деган атама ҳам учрамайди. Масалан, ЖПКнинг 70-моддасида «жиноятда иштирок этишда шубҳа остига олинган», 63-моддасида «унга қарши маълумотлар бўлган шахс» эслатиб ўтилган<sup>7</sup>.

Франция жиноят процессидаги суриштирув босқичи Ўзбекистон Республикаси жиноят процессидаги жиноят ишини қўзғатиш босқичига бироз яқинроқ. Лекин шу

<sup>2</sup> Американская конвенция о правах человека // Международные акты о правах человека. Сборник документов. – Москва: Норма, 2000. – Б. 722.

<sup>3</sup> Jodie Blackstock. European Union Criminal Procedure: A general defense practitioner's guide. – London: Justice, 2011. – P.134.

<sup>4</sup> Абдурасулова Қ. Р. Хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд назорати / Қ. Р. Абдурасулова, С. Ниёзова // Дастлабки терговда суд назоратини ташкил қилиш муаммолари: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 71.

<sup>5</sup> Олимов Б. Хорижда санкция ва тергов // Қонун ҳимоясида. – 2005. – № 6. – Б. 23.

<sup>6</sup> Абдурасулова Қ. Р. Хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд назорати / Қ. Р. Абдурасулова, С. Ниёзова // Дастлабки терговда суд назоратини ташкил қилиш муаммолари: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 72–73.

<sup>7</sup> Головки Л. В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. – Москва: Спарк, 1995. – Б. 19.



билан бирга ўзига хос фарқли жиҳатлари ҳам бор. Масалан, суриштирув босқичида олиб қўйиш, тинтув, сўроқ, юзлаштириш каби тергов ҳаракатлари ўтказилиши, жиноий таъқибнинг фақат прокурор томонидан қўзғатилиши, дастлабки терговнинг суд терговчилари томонидан ўтказилиши кабилар шулар жумласидандир.

*Буюк Британия* жиноят процессида суриштирув ва дастлабки тергов каби босқичлар мавжуд эмас. Судгача жиноят ишини юритиш полиция фаолияти билан боғлиқ бўлиб, жиноятни очиш ва уни содир этган шахсни фош этишда, табиийки, мажбурлов чоралари қўлланади<sup>8</sup>.

Кўплаб давлатларда процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, уларда қўлланадиган хавфсизлик чораларининг рўйхати кўрсатиб ўтилган.

АҚШнинг 1970 йилда қабул қилинган «Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги қонунига кўра, суд томонидан давлат фойдасини кўзлаб ишда қатнашаётган процесс иштирокчиларга маълум шартлар асосида «иммунитет» ҳуқуқи берилади. Ушбу қонун орқали жаҳонда илк бор судда ашаддий жиноятларни фош этишга кўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат томонидан молиялаштириладиган дастур ишга тушди. 1982 йил 12 октябрда Конгресс томонидан қабул қилинган «Жиноятдан жабрланганлар ва гувоҳларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда жиноий адлиянинг жабрланганлар ва гувоҳларни ҳимоя қилмасдан фаолият юрита олмаслиги таъкидланади<sup>9</sup>. Конгресс томонидан 1990 йилда қабул қилинган «Жиноятдан жабр кўрганларнинг ҳуқуқлари ва реституция тўғрисида»ги Федерал қонунга асосан, адлия вазири томонидан жиноятдан жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш дастури бажарилиши устидан назорат олиб борилади.<sup>10</sup> Қонунга кўра иштирокчиларга нисбатан шахсий қўриқчига эга бўлиш, иш, истиқомат жойини, исм-шарифини ўзгартириш, янги ҳужжатлар билан таъминлаш, янги иш топишда ёрдам бериш, зарур яшаш минимуми ажратиш каби хавфсизлик чоралари белгиланиши мумкин<sup>11</sup>.

Ривожланган хорижий давлатларда жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг ҳимояси, хавфсизлиги, унга етказилган зарарни қоплаш каби масалалар одил судлов жараёнида устувор аҳамият касб этади.

Германияда 1986 йил 10 декабрда қабул қилинган «Жабрланувчиларнинг ҳимояси тўғрисида»ги қонун, 1990 йилда қабул қилинган «Гувоҳ ҳимояси тўғрисида»ги концепциялар жиноят судлов ишларини юритишда жиноятдан жабр кўрганлар ва уларнинг оиласи хавфсизлигини таъминлаш борасидаги илк қадамлардан бири бўлди. Ушбу ҳужжатларда жиноят судлов ишларига кўмаклашувчи

<sup>8</sup> Гуценко К. Ф. Уголовный процесс западных государств / К.Ф. Гуценко, Л.В. Головкин, Б.А. Филимонов. – Москва: Зеркало-М, 2001. – Б. 238.

<sup>9</sup> Фитцджеральд Д. Программа обеспечения безопасности свидетелей // Правоохранительная деятельность в США. – Москва, 1998. – Б. 174–177.

<sup>10</sup> Воробьев И. А. Защита свидетелей как одно из ключевых условий эффективной борьбы с организованной преступностью // Журнал российского права. – 1999. – № 2. – Б. 134.

<sup>11</sup> Тулаганова Г. З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари: Юрид. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2009. – Б. 279.



шахсларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган органларнинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилди. 1993 йилдаги «Асосий гувоҳ тўғрисида», 1998 йилдаги «Хавф таҳдид солаётган гувоҳлар ҳимоя билан таъминлаш масалаларини тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларда гувоҳларни ҳимоя қилишга оид қўшимча чоралар (жумладан, баъзи тоифадаги гувоҳларни сўроқ қилишнинг «имтиёзли» тартиби ва бошқ.) белгиланди<sup>12</sup>.

ГФРнинг 1994 йилдаги «Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги қонунида гувоҳ ва жабрланувчиларнинг анонимлигига катта аҳамият берилган<sup>13</sup>. Бундан ташқари вояга етмаган жабрланувчиларга нисбатан полициянинг узоқ муддатли ҳимояси ва вояга етмаганнинг қаерда эканлигини сир сақлаш тарзидаги хавфсизлик чоралари қўлланилади<sup>14</sup>.

Бельгия ва Нидерландияда шахс айбига иқдор бўлиб, етказилган зарарни ўз ихтиёри билан қоплаганда, унга қонунда олти йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган бўлса ҳам, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш назарда тутилган. Ишни судга қадар юритиш босқичларида жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шу каби шакллари Италия, Греция, Норвегия ва Туркияда ҳам кенг қўлланилади<sup>15</sup>.

Буюк Британияда жиноятдан жабр кўрган шахсларга ёрдам кўрсатиш давлат жиноий судлов ишларини юритиш сиёсатининг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, «Жабрланганлар ҳуқуқлари хартияси» бу борадаги энг йирик ҳужжат ҳисобланади. Мазкур давлатда процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш оддий полициянинг вазифалари қаторига кириб, бу соҳада фаолият юритувчи алоҳида бўлимлар мавжуд эмас<sup>16</sup>.

Францияда жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш масалаларини тартибга солувчи қонунларнинг бутун бир тизими амал қилади. Масалан, 1977 йилда 3 январдаги 77-5-сонли «Жиноятдан жабрланганнинг баданига шикаст етказиш оқибатидаги зарарни қоплаш тўғрисида»ги, 1981 йил 2 февралдаги 81-82-сонли «Шахс эркинлиги ҳимояси ва хавфсизликни кучайтириш тўғрисида»ги, 1983 йил 8 июндаги 83-608-сонли «Жиноятдан жабрланганлар ҳимоясини кучайтириш тўғрисида»ги қонунлар орқали жабрланувчиларнинг юридик, психологик, ижтимоий ёрдам учун компенсация олиш ҳуқуқи қафолатланади<sup>17</sup>.

<sup>12</sup> Новикова М. Н. Обеспечение безопасности участников уголовного судопроизводства как гарантия осуществления правосудия в современных условиях: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: Уральский юридический институт МВД России, 2006. – Б. 23.

<sup>13</sup> Брусницын Л. Как обезопасить лиц, содействующих уголовному правосудию // Российская юстиция. -1996. – № 9. – Б. 48.

<sup>14</sup> Жўрабоев А. Вояга етмаган жабрланувчиларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга оид хориж қонунчилиги таҳлили // Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2006. – № 4. – Б. 45.

<sup>15</sup> Лапасов Т. Чин кўнгилдан пушаймон бўлишнинг моҳияти ва ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти // Давлат ва ҳуқуқ. – 2004. – № 2. – Б. 29.

<sup>16</sup> Вавилова Л. В. Организационно-правовые проблемы жертв преступлений (по материалам зарубежной практики): дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 1995. – Б. 105–139.

<sup>17</sup> Меньших А. А. О возмещении ущерба жертвам преступлений во Франции // Журнал российского права. – 1999. – № 9. – Б. 48.



Хорижий давлатлар жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда жамоатчилик назорати, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади.

Аксарият МДҲ мамлакатларининг қонунчилигида «Жамоатчилик назорати тўғрисида» алоҳида қонун мавжуд бўлмай, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Масалан, Россия Федерациясининг 2008 йил 10 июнда қабул қилинган «Сақлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назорати ва сақлаб туриш жойларидаги шахсларга кўмаклашиш тўғрисида»ги қонуни мавжуд.

Унга кўра, инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва ушбу шахсларга кўмаклашишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига эса, сақлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар белгиланган.

Украина давлатида эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати Украина Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Чет элликларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида»ги, «Қочоқлар тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида<sup>18</sup> жиноят-процессуал тамойиллар тизимини замонавий ёндашувлар, илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш белгиланган.

Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганиш ва таҳлил қилиш қуйидаги хулосалар чиқаришга сабаб бўлди:

*биринчидан*, ривожланган демократик давлатларнинг аксариятида ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлар суднинг рухсати билан амалга оширилади. Шу боис, мазкур ижобий тажрибани миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш, ишни судга қадар юритувчи субъектлар ваколатларининг муайян бир қисмини суд органларига ўтказилиши, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш имконини беради;

*иккинчидан*, ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаши мумкин бўлган процессуал ҳаракатларни минимал даражада қўллашга ҳаракат қилинади;

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2018 йил 14 май, ПҚ-3723-сон.



учинчидан, шахснинг айбдорлигини исботлашга хизмат қиладиган далилларнинг аксарияти шахсга нисбатан эҳтиёт чораси қўллангунига қадар (яъни у озодликда юрган вақтда) тўпланади;

тўртинчидан, ишни судга қадар юриштида гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан рағбатлантирувчи нормалардан кенг фойдаланилади. Унга кўра жиноятни содир этган шахс қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятнинг тез ва тўла очилишида фаол иштирок этган ҳолларда муайян енгилликлар яратилади. Масалан, шахс эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланаётган бўлса гаровга ёки бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасига алмаштирилади. Бундан ташқари суд томонидан судланувчига нисбатан енгилроқ жазо чораси қўлланилади ёки содир этган қилмишининг оғирлик даражасидан келиб чиқиб жазодан озод қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида ҳам, алоҳида турдаги жиноятлар учун санкциялар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмаслиги ва самарасизлиги қайд этилган.

Шу боис, Жиноят кодексида қайд этилган оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этганликда гумон қилинган ёки айбланаётган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган ҳолларда суриштирув ва дастлабки тергов органлари билан ёзма келишув тузилиши ҳамда унга нисбатан суд томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан кўп бўлмаган миқдори ва (ёки) муддатигача жазо тайинлиниши ёки жиноий жавобгарликдан озод қилинишини назарда тутувчи институт жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

Зотан, бундай тажриба Германия, Бельгия, Испания, Нидерландия, Франция, Шотландия ва Россия каби давлатларда жиноий жавобгарликдан озод қилиш билан боғлиқ ибратли қоидалар мавжуд<sup>19</sup>.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асосларини ривожланиш босқичларининг таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур асосларни вужудга келиши ва амалда қўлланилиб бориши бу тасодикий эмас. Жиноят содир этган шахсга жазо бермай, уни кечириб йўли билан жавобгарликдан озод қилиш асослари бир неча юз, балки минг йиллар давомида шаклланиб келган десак муболаға бўлмайди. Бу жараён бевосита тарихда мавжуд бўлган ижтимоий тузумлар, давлатнинг тузилиши, унинг мафкураси, жиноятчиликка қарши олиб борилган сиёсати ва бошқа кўплаб омиллар асосида шаклланиб, ривожланиб келган. Тарихнинг қайси даврига қарамайлик, мазкур асослар: жиноят содир этган шахс ҳамда жиноятдан жабр чеккан жабрланувчининг ўзаро ярашиши; айбдор шахсларнинг айбига иқдор бўлиши; уларни тегишли мансабдор шахслар томонидан кечириб юборилиши; шунингдек ўзининг жиноий хатти-

<sup>19</sup> Бердиев Ш. Жиноий жавобгарлик ва ундан озод этиш масалалари: монография / Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д, проф. М.Х.Рустамбаевнинг таҳрири остида. – Т.: Сано-стандарт, 2011. – Б. 5.



ҳаракатлари билан етказилган зарарни қоплаб бериши ҳисобига жавобгарликдан озод этилиши ва бошқа турли хил кўринишларда мавжуд бўлган<sup>20</sup>.

Соҳибқирон Амир Темурнинг «Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват кўрсатгил» деб айтилган сўзларида ҳам кечириш маъноси баён қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Маълумки, Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда шариат нормаларига амал қилинган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жавобгарликдан озод қилишнинг энг асосий турларидан бири бўлган томонлар ўртасида ярашув тузишга эришиш доимо ва ҳар бир даврдаги муҳим масалалардан бири бўлиб келган<sup>21</sup>.

Буюк соҳибқирон Амир Темур даврида яратилган ана шундай муҳим қонун-қонуниятлардан бугунги кунга келиб барча давлатлар кенг фойдаланмоқда. Масалан, АҚШда барча турдаги жиноятлар содир этишда айбланаётганлар билан ҳам айбга иқрорлик битими тузилиши мумкин<sup>22</sup>. Мазкур институт АҚШ жиноят процессининг таркибий қисми бўлиб, 150 йилдан ортиқ вақт мобайнида амалиётда қўлланиб келинмоқда<sup>23</sup>.

Содир этган жинояти юзасидан айбига иқрор бўлишга доир келишув институти дастлаб АҚШда, кейинроқ эса ғарбий европа давлатлари қонунчилигида ўз ифодасини топди<sup>24</sup>.

Баъзи хорижий мамлакатлар қонунчилигида, хусусан Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва бошқа қатор мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигига кўра<sup>25</sup>, тарафларнинг келишув битими институти айбланувчи билан бир қаторда, гумон қилинувчиларга нисбатан ҳам қўлланилиши белгиланган.

Бугунги кунга келиб АҚШда юритувда бўлган ишларнинг 90 фоизидан, Германияда эса 70 фоизидан ортиғи тарафларнинг келишуви асосида ўз ечимини топмоқда<sup>26</sup>.

Германия, АҚШ, Испания ва Италия каби давлатлар жиноят процессида одил судлов билан битим тузиш кенг қўлланилади<sup>27</sup>.

Хорижий давлатларда, хусусан АҚШда келишув нафақат шартнома шаклида, балки оғзаки шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин<sup>28</sup>. Миллий қонунчилигимизда

<sup>20</sup> Муродов Б. Б. Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш. – Тошкент, 2018. – Б. 30.

<sup>21</sup> Муродов Б. Б. (2018). – Б. 31–32.

<sup>22</sup> Саломов Б. Айбга иқрорлик виждон масаласидир // Адвокат. – 2006. – № 4–5. – Б. 9.

<sup>23</sup> Crime and Justice in America 1975–2025. The University of Chicago Press. Issue Stable URL: <http://www.jstor.org/stable>.

<sup>24</sup> Дубровин В. В. Сделки о признании вины по законодательству Франции // О некоторых вопросах и проблемах современной юриспруденции. 2017. – № 4. – С. 48–46; Каландаров Д. Национальное законодательство и зарубежный опыт в сфере упрощения уголовного судопроизводства. – <http://www.minjust.uz/ru/press/ourpublications> (Мурожаат вақти: 14.02.2018).

<sup>25</sup> Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. – Москва, 2004. – С. 15; Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. – Алматы, 2014. – С. 35.

<sup>26</sup> Макаров А. П. Сделка о признании вины: новация УПК Украины // Ученые записки Таврического национального университета им. В.И.Вернадского. Сер. «Юридические науки». – Т. 26. – 2013. – № 1. – С. 414–418; Каландаров Д. Национальное законодательство и зарубежный опыт в сфере упрощения уголовного судопроизводства. – <http://www.minjust.uz/ru/press/ourpublications> (Мурожаат вақти: 14.02.2018).

<sup>27</sup> Yerold H. Israel, Wayne R. La. Criminal Procedure. – Minnesota. 1991. – P. 26–27.

<sup>28</sup> Каландаров Д. Кўрсатиган асар.



процессуал ҳаракатлар тегишли ҳужжатларда расмийлаштирилиши белгилангани боис, бизда мазкур битим ёзма шаклда бўлгани мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш жоизки, ривожланган давлатларнинг мазкур илғор тажрибасини миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мақсадига мос келади.

## References:

1. *Пешков М. А.* Арест и обыск в уголовном процессе США. – Москва: Спарк, 1998. – Б. 84.
2. Американская конвенция о правах человека // Международные акты о правах человека. Сборник документов. – Москва: Норма, 2000. – Б. 722.
3. Jodie Blackstock. European Union Criminal Procedure: A general defense practitioner's guide. – London: Justice, 2011. – P.134.
4. *Абдурасулова Қ. Р.* Хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд назорати / Қ. Р. Абдурасулова, С. Ниёзова // Дастлабки терговда суд назоратини ташкил қилиш муаммолари: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 71.
5. *Олимов Б.* Хорижда санкция ва тергов // Қонун ҳимоясида. – 2005. – № 6. – Б. 23.
6. *Абдурасулова Қ. Р.* Хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд назорати / Қ. Р. Абдурасулова, С. Ниёзова // Дастлабки терговда суд назоратини ташкил қилиш муаммолари: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 72–73.
7. Головки Л. В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. – Москва: Спарк, 1995. – Б. 19.
8. Гуценко К. Ф. Уголовный процесс западных государств / К.Ф. Гуценко, Л.В. Головки, Б.А. Филимонов. – Москва: Зеркало-М, 2001. – Б. 238.
9. Фитцджеральд Д. Программа обеспечения безопасности свидетелей // Правоохранительная деятельность в США. – Москва, 1998. – Б. 174–177.
10. Воробьев И. А. Защита свидетелей как одно из ключевых условий эффективной борьбы с организованной преступностью // Журнал российского права. – 1999. – № 2. – Б. 134.
11. Тулаганова Г. З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари: Юрид. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2009. – Б. 279.
12. Новикова М. Н. Обеспечение безопасности участников уголовного судопроизводства как гарантия осуществления правосудия в современных условиях: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: Уральский юридический институт МВД России, 2006. – Б. 23.
13. Брусницын Л. Как обезопасить лиц, содействующих уголовному правосудию // Российская юстиция. -1996. – № 9. – Б. 48.



14. Жўрабоев А. Вояга етмаган жабрланувчиларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга оид хориж қонунчилиги таҳлили // Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2006. – № 4. – Б. 45.
15. Лапасов Т. Чин кўнгилдан пушаймон бўлишнинг моҳияти ва ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти // Давлат ва ҳуқуқ. – 2004. – № 2. – Б. 29.
16. Вавилова Л. В. Организационно-правовые проблемы жертв преступлений (по материалам зарубежной практики): дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 1995. – Б. 105–139.
17. Меньших А. А. О возмещении ущерба жертвам преступлений во Франции // Журнал российского права. – 1999. – № 9. – Б. 48.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2018 йил 14 май, ПҚ–3723-сон.
19. Бердиев Ш. Жиноий жавобгарлик ва ундан озод этиш масалалари: монография / Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д, проф. М.Х.Рустамбаевнинг таҳрири остида. – Т.: Сано-стандарт, 2011. – Б. 5.
20. Муродов Б. Б. Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш. – Тошкент, 2018. – Б. 30.
21. Муродов Б. Б. (2018). – Б. 31–32.
22. Саломов Б. Айбга иқрорлик виждон масаласидир // Адвокат. – 2006. – № 4–5. – Б. 9.
23. Crime and Justice in America 1975–2025. The University of Chicago Press. Issue Stable URL: <http://www.jstor.org/stable>.
24. Дубровин В. В. Сделки о признании вины по законодательству Франции // О некоторых вопросах и проблемах современной юриспруденции. 2017. – № 4. – С. 48–46; Каландаров Д. Национальное законодательство и зарубежный опыт в сфере упрощения уголовного судопроизводства. – <http://www.minjust.uz/ru/press/ourpublications> (Мурожаат вақти: 14.02.2018).
25. Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. – Москва, 2004. – С. 15; Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. – Алматы, 2014. – С. 35.
26. Макаров А. П. Сделка о признании вины: новация УПК Украины // Ученые записки Таврического национального университета им. В.И.Вернадского. Сер. «Юридические науки». – Т. 26. – 2013. – № 1. – С. 414–418; Каландаров Д. Национальное законодательство и зарубежный опыт в сфере упрощения уголовного судопроизводства. – <http://www.minjust.uz/ru/press/ourpublications> (Мурожаат вақти: 14.02.2018).
27. Yerold H. Israel, Wayne R. La. Criminal Procedure. – Minessota. 1991. – P. 26–27.
28. Каландаров Д. Кўрсатиган асар.